

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ
ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ

“Саҳна нутқи” кафедраси

Адиба Носирова

“Нутқ техникасини такомиллаштиришда комплекс машқларнинг аҳамияти”

мавзуйдаги

маъруза матни

Тошкент – 2014

Режа:

1. Комплекс машқлар ҳақида тушунча
2. Комплекс машқлар учун амалий тавсиялар

Ижтимоий ҳаётнинг ҳамма жараёнларида, шахс ва жамият муносабатларида, комилликка интилган ҳар бир инсоннинг тафаккури, тасавури, дунёқарашининг юксалишида таълим-тарбия, маънавият ва маърифатнинг тенгсиз, таъсирчан аҳамияти ҳамда вазифаларининг амалга ошишида тилимиз, забонимиз, нутқимизнинг хизматлари беқиёсдир.

Инсоний фаолиятнинг ҳаётбахш ва зиёбахш сарчашмаси, қудрати ва комиллик белгиси, истак ирода ва интилишларимизнинг ифодавий тимсоли бўлган тилимизни, миллатни миллат сифатида бирлаштирадиган, Ватанни – улуғлайдиган юксалтирадиган, жаҳон ҳамжамиятининг тараққиёт пиллапояларида инсоний муносабатларни чамбарчас боғлайдиган восита эканлиги исбот талаб қилинмайдиган асл ҳақиқат. Фикр ва сўзнинг чексиз имкониятларини ҳис этган ва таянган буюк алломалар бугунги кунимизни маънавий, маърифий нурафшон қилувчи нодир дурдоналари билан ардоқлидир.

Маълумки, кишиларнинг ўзаро юксак маданий нутқий алоқада бўлиши инсоннинг руҳий дунёсини бойитиши билан бир қаторда унинг маънавий-ахлоқий фазилатларини тарбиялаш, инсон табиатини чуқурроқ очиш, тафаккурининг сайқалланишини янада жадаллаштириш ва айниқса, мустақиллик ғояларини тараққиётимизнинг барча йўналишларида мустаҳкамлаш орқали бугунги баркамол авлод тарбияси билан боғлиқ улкан масала ва муаммоларни ҳал қилишда ёрдам беради. Нутқ тарбиячининг қўлидаги ўта муҳим ва айти пайтда, ғоят нозик восита бўлиб, ҳар бир кишига ўзининг чинакам бунёдкор ва ҳақиқатдан ҳам яратувчанлигини ҳис қилишга ёрдам беради. Мана шунинг учун ҳам санъат ва маданият олийгоҳининг бугунги битирувчиси фақатгина бадиий сўз ижрочиси, ижодкор ва ташкилотчигина эмас, балки миллий қадриятларимиз, анъаналаримиз ва

адабиётимизнинг оғзаки тарғиботчилари ҳамдир. Айниқса, мустақиллик шарофати туфайли адабиётимизнинг энг гўзал намуналари дунё халқлари тамаддунига хизмат қилаётган бугунги кунда нутқий маданиятни янада ўстириш бу давр талабидир.

Саҳна нутқи соҳасида амалга оширилган кўп йиллик иш тажрибалари шуни кўрсатадики, талабалар фақат омма олдига сўзга чиққанларидагина ўзларининг сўз санъатига асосий эътиборларини қаратар эканлар. Бу, албатта, табиийдир. Чунки сўзга чиққан нотик ҳам, ижрочи-актёр ҳам, суҳандон ҳам ўз фикр-мулоҳазалари ва нуқтаи назарининг ҳақлигига тингловчилар аудиториясини ишонтиришга бир хилда ҳаракат қиладилар. Фақат нотик, ўз нутқий фаолиятида асосан, мантиқ, далил ва исботга таянади. Яхши нотик мантиқ ва фикрнинг изчиллиги ҳамда улар ифодасининг бадиий таъсири воситасида тингловчиларни таъсирлантиради ва ишонтиради. Актёр ва ижрочи эса мантиқ бадиий сўзнинг эстетик таъсир кучи ва туйғу изчиллиги билан ишонтиради. Бу эса, ўз навбатида, талабаларга бадиий сўз ва нотикликни ўргатиш борасида санъатининг ана шу турларидан ҳар бирининг ўзига ҳос хусусиятларини аниқлаш билан бир қаторда, улардаги умумийликни ҳам таъкидлаб жонли бадиий сўз санъати асосларини эгаллашнинг устувор тамойиллари ва йўл-йўриқларини чуқур эгаллашга ҳаракат қилишни тақозо этади.

Нутқ техникаси бўлимига кирувчи (артикуляция, нафас, овоз ва орфоэпия)лар талабага биринчи босқичдаёқ таништирилади ва қонун-қоидалари ёздириб борилади. Лекин бу билан чекланмасдан ҳар бир талабаниннг ўзини ҳам бу борада ижод қилишига ўргатиб бориш яхши натижалар беради. Масалан, биринчи босқичнинг биринчи ярмида нутқ техникасидан артикуляция ва нафасни пухта эгаллаш учун кўпроқ тез айтишлар мақоллар ва топишмоқларга мурожаат этилади. Ўқиш давомида талабалар ўзлари топган тез айтишлари, мақол ва топишмоқларни умумий бир мақсадга бўйсундириб имтиҳон дастурига олиб чиқадилар. Бу ўз навбатида иккинчи ярим йилликда бажаришлари керак бўлган вазифаларига

катта замин ҳозирлайди. Яъни талаба биринчи босқични тугаллаётганида нутқ техникасини тўла-тўқис эгаллаган бўлиши керак. Айниқса, мантик, нафас, муомала ва бошқа техник эмоционал вазифаларни бирлаштирувчи машқларни (ўзлари ижод қилиб, фольклордан, лофлардан фойдаланган ҳолда) туза олишлари талаба-режиссёр сифатида бир бутун ғояни олиб чиқа олиш кўникмасини машқлар тузишдан тарбиялаб боришлари мақсадга мувофиқдир. Ҳар бир талаба ўзининг ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда машқлар тузиши ҳам мумкин. Лекин гуруҳ талабалари биргаликда ижод қилиши уларнинг бир-бирларига бўлган муносабатларини яқиндан ўрганишларига, муомала, мантик, бир-бирини ҳис этиш, сезиш, таъсирланиш каби элементларни ўзлаштириш, ўстириб боришда катта аҳамиятга эгадир.

Машқлар устида ишлаш ва изланишлар натижасида қатор комплекс, яъни умумий машқлар юзага келди. Бу машқлар нутқ техникасига кирувчи артикуляция, дикция, овоз, нафас ва талаффуз нормаларини белгиловчи-орфоэпияни ўзида мужассам этган шеърий матнлар, саъжлар, эртаклар, тез айтишлар, лофлар, топишмоқлар асосида бўлиши янада мақсадга мувофиқдир. Қуйида биз ушбу жанрлар орқали нутқий талаффуз софлигига эришиш услари хусусида тўхталиб ўтамиз.

Тез айтишларни машқ қилишда қуйидаги уч шартга риоя этилади:

Биринчи шарт:

1. Уч ёки тўрт сўздан иборат тез айтиш матни танланади. Агар тез айтиш узун бўлса, унда шу тез айтишнинг уч-тўрт сўздан иборат бир қисми олинади;

2. Ҳар бир ундош товуш аниқ-равшан талаффуз этилгани ҳолда унли товушлар жарангдор овозда чўзилади, лекин бўғинлашга йўл қўйилмайди;

3. Ҳар бир сўздан кейин ками билан уч сония пауза қилинади, кейин нафас олиб навбатдаги сўзга ўтилади.

4. Муомила қилиш, бир-бирига тушунтириш.

Иккинчи шарт:

1. Юқоридаги шартларнинг асосий қисмига риоя қилинади.

2. Нутқ тезлиги (темп) кундалик ҳаётий сўзлашув нутқи даражасида бўлади;

3. Бирор мантиқий вазифа қўйилади;

4. Ижро этилаётган матн бир нафасда икки-уч маротаба қайтарилади.

Учинчи шарт:

1. Тез айтиш йўли билан матн бир нафасда икки-уч маротаба қайтарилади;

2. Ижро тезлаштирилади;

3. Максимал тезликда қайтарилади.

Тез айтишлардан намуналар

1. Пирпирок пириллайди, чирилдоқ чириллайди.

2. Бир туп тут, бир туп тутнинг тагида, бир туп туруп бир туп тут бир туп турупнинг томирини тортиб турибди.

3. Осмонда иккита думи калта кал калхат, бирининг қора думи калта кал калхат, бирининг кўк думи калта кал калхат, қора думи калта кал калхат кўк думи калта кал калхат, қора думи кал калхатга халақит беради, кўк думи калта кал калхат, қора думи калта кал калхатга халақит беради.

4. Писта пастда пишадими, пастда писта пишадими?

5. Ёш мушук мош мушук, мош мушук ёш мушук.

6. Тешабоп соп, қопда сероб.

7. Қишда кишмиш пишмасмиш, пишса кишмиш қишмасмиш.

8. Кўк кўғирчоққа кўк мунчок, кўп кўғирчоққа кўп мунчок.

9. Човгум мисдан, човли симдан.

10. Наманганда уста Муса пуч пистафуруш бор экан, ўша уста Муса пуч пистафурушнинг 63 пуд пуч пистаси бор экан, 63 пуд пуч пистаси бўлса ҳам ўша уста Муса пуч пистафуруш, 63 пуд пуч пистаси бўлмаса ҳам ўша уста Муса пуч пистафуруш.

Ижрочилик истеъдоди бадий ўқишнинг энг муҳим омилларидан биридир. Шу нуқтаи назардан бадий сўз юксаклигига эришишда босқичма-босқич нутқ техникаси эгаллаб борилади. Айниқса, артикуляция ва дикцияни

ривожлантиришда тез айтишлар қўл келади. Бироқ машқ давомида нафасга ҳам жиддий эътибор бериш муҳимдир. Аниқроқ айтадиган бўлсак, нафас машқи ҳам узвий олиб борилади. Бунинг учун, тез айтиш талаффузининг суръатига кўра бир тез айтишни икки-уч нафасда, бир тез айтишни бир нафасда ва ниҳоят бир нафасда (айниқса, суръат тезлаштирилган даврда) бир тез айтишни 2-3 марта қайтариш мумкин. Бунинг учун нафас олинадиган ёки тўлдириладиган пайтлар олдиндан белгилаб олинади. Махсус насрий ё шеърый матнлардан ташқари, сажъ машқлари барча техник машқларни бирлаштирувчи, яъни артикуляция ва дикция, нафас ва муомала каби қатор таъсирчан хусусиятлари билан ажралиб туради.

Сажъ деб, қофияланган насрга айтилади. Маълумки, “сажъ” арабча сўз бўлиб, аслида хушовоз қушларнинг жўровоз сайрашини англатади. Сажъ муайян асардаги мазмунни ёрқин ифодалабгина қолмай, баъзи нозик сўз ўйинлари, ифоданинг оҳангдорлигини ҳам таъминлайди. Сажъ қофия билан ўхшаш келади, лекин ўзаро фарқларга ҳам эга. Қофия мисранинг маълум бир жойида келади. Сажъ атамаси форсий адабиётшуносликда ХИ асрда яшаган Умар ар-Родиённинг “Таржимон ул-балоға” асарида ишлатилган. Сажълар эртақлар, дostonларда кўплаб ишлатилади ва матнга жило беради¹.

Матнли машқларда улардан фойдаланиш ҳар томонлама қулайдир. Чунки сажъ тузилишининг ўзи кўпгина машқбop имкониятларга эга.

Масалан, бир фольклор матни заминидаги машқларнинг кўриниши, ижро этиш усуллари:

1-Матн: Бор эканда, йўқ экан.

2-Матн: Бор эканда, йўқ экан; оч эканда, тўқ экан.

Кейинги машқларда, ҳар ҳолда шошилмай, фақат нафасни тежаб сарфлашга эътибор бериш лозим ва муттасил вазифани оғирлаштириб бориш зарур. Ҳар бир бўлак алоҳида-алоҳида бажарилиб, бир нафасда айтилиши керак. Албатта, шошилиш ёки сўзларни ямлаб, тушунарсиз талаффуз этиш,

¹ Рўзимбоев С., Рўзметов Ҳ. Фольклор атамалари қисқача луғати. – Урганч, 2007. – Б.38.

шунингдек, жисмоний сиқилишга йўл бермасдан, эркин ижро этиш лозим. Агар кўрсатилган камчиликлардан бирортаси юз берса, дарҳол машқни тўхтатиб олдингисини мустаҳкамлаш ва шундан кейингина бошқасига ўтиш мумкин.

Қуйидаги матнларда бора-боргунча нафас диапазонини кенгайтириш ва бу мақсад қўлга киритилгач нафас ўрнини алмаштириш мумкин. Талаффуз аниқлиги ва овоз равонлигига ҳам алоҳида эътибор бериш лозим.

1. Бор экан, йўқ экан, оч экан, тўқ экан, чаён деган махлуқ бор экан. Ўзи жуда захар экан, учрагани чакар экан, ҳамма ундан безор экан, уни кўрганда дунё тор экан.

2. Бор эканда, йўқ экан, оч эканда, тўқ экан, қарға қақимчи экан, чумчуқ қақимчи экан. Балиқ ялтироқ экан, мусича қалтироқ экан, йўлбарс ўкирар экан, ҳўкиз бўкирар экан. Бўри баковул экан, тулки ясовул экан. Ана шундай замонда, тарашадек ориқ, оёғида чориқ бир чол бўлган экан.

Булардан ташқари, айнан шундай машқлар учун шеърини матнларни қўллаш мақсадга мувофиқдир. Чунки шеърлар ритмик ташкил қилинган нутқ бўлгани учун ҳам асаб системасини енгил қўзғотади. Шеърини ритмининг ўзи ижрочида ижобий ҳис-туйғуларни чақиради ва бу ўз навбатида овозни ҳам эркин шакллантиришга ёрдам беради.

Ана шундай машқлар устида ишлаш ва изланишлар натижасида қатор комплекс, яъни умумий машқлар юзага келди. Бу машқлар нутқ техникасига кирувчи артикуляция, дикция, овоз, нафас ва талаффуз нормаларини белгиловчи-орфоэпияни ўзида мужассам этган шеърини матнлар бўлиб, бу борада фақат саноклигина муаллифлар ижод қилиб келаяптилар. Ўзбекистон халқ шоири Анварь Обиджоннинг ўйноқи, худди сўз санъати элементларига (техник машқларга) мослаб ёзгандек шеърлари туркумига кирувчи «Сиз эшитмаган қўшиқлар» бир неча бор талабаларнинг имтиҳон дастурларига киритилди. Мана бир неча йиллардан буён бу шеърини матнлар айрим талабалардаги дикцион нуқсонларни йўқотишда ва умуман нутқ техникасини

мустаҳкамлашда катта самара бериб келаяпти. Ана шу комплекс машқлардан айримларини намуна сифатида келтирамиз:

«Йўрга» қўшиғи

Тош йўлларда мудрайман

тақа-туқ (3 марта)

Зил извошни судрайман

тақа-туқ (3 марта)

Қамчилашар ачитиб

тақа-туқ (3 марта)

Ем беришмас ёлчитиб

тақа-туқ (3 марта)

«Бақа қўшиғи»

Эгнимда кўк кўйлагим

Вақ-вақа-вақ (2 марта)

Олдимда тош ойнагим

Вақ-вақа-вақ (2 марта)

Кулча экан юзларим

Вақ-вақа-вақ (2 марта)

Шахло экан кўзларим

Вақ-вақа-вақ (2 марта)

«Арра» қўшиғи

Ҳа, дўстлар, ишлаб яйраш керак

шарра-шурра (2 марта)

Аввал тишни қайраш керак

шарра-шурра (2 марта)

Қайрасангиз арралайман

шарра-шурра (2 марта)

Ҳўл қуруққа қарамайман

шарра-шурра (2 марта)

«Болта» қўшиғи

Тик қўйсангчи ғўлани

гуп-қарс (3 марта)

Калла урай бир қани

гуп-қарс (3 марта)

Четда ёқинг ўтинни

гуп-қарс (3 марта)

Мен кўрмайин тутунни

гуп-қарс (3 марта)

Ижрочилик санъати ўзигагина хос бўлган бир қанча хусусиятлар туфайли санъатнинг бошқа кўпгина турларидан фарқ қилади. Ана шу хусусиятлардан бири ижрочининг саҳна асарига бир йўла материал бўлиб хизмат қилишидир. Ижрочилик санъати ташқи манбалардан маҳрум бўлганлиги сабабли ижрочининг борлиғи: жуссаси, нутқи, нафас, овоз органлари ва олий материя бўлган мияси материал бўлиб хизмат қилади. Ҳар бир ижрочи асарни тингловчига гапириб бериш билан чекланмай, уни жонлантириши, бадиий етук шаклда талқин этиши лозим. Аслида, ижрочилик санъатининг сеҳри ва қудрати ҳам шундадир. Ёмон талаффуз, ёмон овоз ёки маълум иш меёрига ўргатилмаган нафас воситаси билан ҳеч қандай асарни бадиий етукликка кўтара олиш мумкин эмас.

Нутқнинг равон бўлиши ва нутқ техникасини мукаммал ўзлаштириш учун қатор комплекс машқлар туркумини яратиш ва ундан унумли фойдаланишни билган ҳар бир ижодкор ё, талаба ўз ижодини чиниқтириб устириб боради.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, чуқур профессионал билим ва маҳоратга эга бўлган актёрми, режиссёрми, у бадиий раҳбар бўладими

юқоридаги кўрсатма ва тавсияларга амал қилсагина нутқий маҳоратни пухта эгаллаши мумкин.

Таянч сўзлар:

Сажъ, эртак, қофия, сахна нутқи, нутқ, сахна, нутқ техникаси, орфоэпия, нафас, овоз, артикуляция, дикция, унли товушлар, ундош товушлар, кам воқеали парча, кўп воқеали парча, турли жанрга оид парчалар, сўз, матн.

Саволлар:

1. Сажъ нима?
2. Нутқ техникасида сажънинг ўрни?
3. Нафас ва унинг турлари ҳақида тушунча беринг?
4. Сўз устида ишлаш жараёни нима?

Адабиётлар:

1. И.А.Каримов. “Юксак маънавият – енгилмас куч”. Т.: “Маънавият”. 2008.
2. К.С.Станиславский. “Актёрнинг ўз устида ишлаши”. Т.Хўжаев таржимаси. С.Муҳамедов муҳаррирлигида. Т. Янги аср авлоди. 2010
3. А.Тўлаганов. “Саҳна нутқи”. ТДСИ босмахонаси. Т.: 2008.
4. Ў.Нурмухаммедова. “Саҳна нутқи”. Т.: ЎДСИ босмахонаси. 2008.
5. Аъзам А. “Аруз”. Т. 2006
6. Алимжонова З.Саҳна нутқи. Т.Фан. 2005.
7. Жуманиёзов Р. Нутқий маҳорат. Т. 2005.
8. Носирова А. Жонли сўз санъати асослари Т. 2003.
9. Алиев С. “Аруз илми”. Т.1995.